

## МУСТАҚИЛ ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КҮНИКМАСИ ВА БОШҚАРИШ МОДЕЛЛАРИ

*Куденов Темурбек Махсұтбаевич - ўқытувчи,  
Ажиниёз номидаги Нұкус давлат педагогика институты*

**Таянч сўзлар:** талаба, мустақил билиш, фаолият, таълим-тарбия, жараён, бошқариш модели.

**Ключевые слова:** студент, самостоятельное знание, деятельность, образование, процесс, модель управления.

**Key words:** student, independent knowledge, activity, education, process, management model.

Талабаларда мустақил ўз-ўзини ривожлантириш фаолиятидаги таълим-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиш ва самарадорлигини оширишда талабаларнинг фаоллигини таъминлаш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларга салбий муносабатда бўладиган талабалар билан фаол талабаларнинг ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этиш, уларда ижодий ёндашув кўникмалари ва қизиқишлиар шакллантириш муҳим аҳамият касб этувчи вазифалардан ҳисобланади.

Талабаларда мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштиришда, шунингдек, мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш, унинг заруриятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан илмий асослашда қуйидаги долзарб масалаларни ҳал этилиши зарур:

Давлат, жамият ва шахс эхтиёжларининг ривожланиш даражаси билан талабаларда мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш субъектлари (талаба ва ўқитувчилар)нинг шахсий хислатлари ва касбий лаёқатларини шакллантириш даражаси ва илмий-методик таъминот ўртасидаги номувофиклик; математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштиришни бошқаришнинг функция ва методлари ҳамда уларни амалга оширишга замонавий ёндашувларни илмий асосланмаганлиги; мураккаб педагогик тизим сифатида математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғлиқлигини таъминловчи инновацион ёндашувларни амалиётда қўллаш технологияларини ишлаб чиқилмаганлиги; математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш

кўникмасини такомиллаштиришда раҳбарлар, ўқитувчилар ва талабаларнинг кўшимча таълим олиш учун шахсий эҳтиёжларини шакллантириш, рефлексив таълимий муҳитни ва табиий рақобатни вужудга келтириш технологияларининг мавжуд эмаслиги; математика фанидан мустақил билим олиш кўникмасини ривожлантириш йўналишларида ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришга қаратилган узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳ.к.

Е.С.Полатнинг фикрича, ўқитиш воситалари тизими дастур талабларига мутаносиб равишда ўрганилаётган фаннинг амалда эгаллаши учун мўлжалланган бир тартибга келтирилган кўплаб ўзаро боғлиқ ўқитиш воситалари, яхлит, структурага ва интеграл сифатга эга бўлган таълим ва ривожланаётган ўқитиш мақсадларини ҳал этишдир [96;177-б.]. математика дарсларида мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш воситалари тизимини яратиш тамойилларини қуидагича шакллантирди.

### **1- жадвал**

#### **Мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш воситалари тизимларини яратиш тамойиллари**

<b>№</b>	<b>Тамойил</b>	<b>Таркиби</b>
1	Функционал тамойиллар	ҳар бир компонентнинг алоҳида ва бутун бир тизимнинг муваффақиятли амал қилиши
2	Талабаларнинг онглилик ва ижодий фаоллик тамойили	ҳар бир талабани фаол ижодий фаолиятга жалб этиш
3	Кўргазмалилик тамойили	воситаларни яратиша турлича кўргазмалардан (тасвирий, товушли ва ҳоказолардан) фойдаланиш
4	Ижобий ҳиссиётли фон тамойили	тизим воситалари билан ишлашда талабаларнинг ижобий ҳиссиётларига жавоб қайтариш учун шароитлар яратиш, талабаларнинг иштиёқларини ошириш
5	Ўқитишининг индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойили	барча таркибий қисмлар мажмууда талабаларнинг коммуникатив компetenция жараёнларини таъминлаш

А.Н.Шамов таълим воситаларидан фойдаланишда қуидаги жиҳатларга эътибор беришни таъкидлайди:

- 1) фан дастури билан дарслик мазмуни ўртасидаги алоқа;

- 2) ўқитиши мазмунининг предметли мантиқий таркибга мутаносиблиги;
- 3) ўқитиши мақсадлариға мос келиши;
- 4) асосий тасвирнинг математик ҳодисаларини тушунтиришидаги бетакрорлиги;
- 5) максимал юқори методик самараға еришишга ёрдам бериш.

Методик адабиётлар таҳлили мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш шакллантиришни ўқитиши воситаларига мувофиқ келадиган талабларни ажратиб күрсатишига имкон беради.

Мустақил ўз-ўзини ривожлантириш қўникмасини такомиллаштириш воситалари қуидагича бўлиши керак:

- моддий шаклга эга бўлиши;
- ўқитиши жараёнининг мақсад ва вазифаларига еришишга қаратилган бўлиши;
- муайян ҳажмдаги мазмунга эга бўлиши, яъни, математик ва геометрик маълумотлари ахборот мажмууда ва уни қўллаш усулларида;
- талаба фаолиятини сифатли бошқариб ўқитиши услугуб ва усулларини амалга оширишига имкон туғдириш;
- таълим бериши услубиятида замонавий ғояларга муносиб бўлиш.

Таъкидлаш жойизки, мустақил ўз-ўзини ривожлантириш қўникмасини такомиллаштириш маданиятини шакллантириш учун замонавий воситалар хусусияти талabalарни нафақат ўқув фаолиятини бажаришга, балки ўқув жараёнининг қатнашчилари ўртасида муомала ва биргаликда ҳаракат қилишга ундейди.

Математика фанини ўргатиши натижасида талabalарда ўз фикрини тўғри, услубий аник, мазмунли, теаремаларга риоя қилиб ифодалай олиш ва уни натижавий тўғри ифодалай олиш қўникмалари шакллантирилади.

Таълим-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиши учун таълим жараёнининг бевосита иштирокчилари фаолиятини такомиллаштириш, рақобатбардош битирувчилар тайёрлашда замонавий талабларни инобатга олиш, таълим олувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, инновацион таълим жараёнларида уларнинг фаоллигини таъминлаш ҳамда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишда мазкур жараёнларни олдиндан моделлаштириш муҳим ҳисобланади.

Ш.С.Шодмонованинг фикрича, педагогик жараёнлар умумий моделига таълим олувчиларнинг фаоллигини таъминлашга қаратилган вазифаларни ифодаловчи қуидаги компонентлар киритилиши асосли: таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва талabalарнинг фаоллигини таъминлаш йўналишида бажариладиган вазифалар билан фойдаланиладиган методлар ва ёндашувларни мувофиқлаштириш; талabalарда қизиқишлиар шакллантириш,

тариҳий хотирани шакллантириш ва ривожлантириш воситаларини танлаш; талабаларда янгиликларга майиллик ва қизиқишилар шакллантирувчи мотивларни аниқлаш; талабаларда танқидий фикрлаш ва рефлексив тафаккурни шакллантирувчи ижобий мотивларни аниқлаш ва мотивлаштириш; педагогик жараёнларнинг мазмунини такомиллаштириш омилларини аниқлаш; педагогик жараёнларнинг истиқболини ва самарадорлигини ривожлантириш йўналишидаги вазифаларни олдиндан белгилаш; педагогик жараёнларни такомиллаштириш йўналишида амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни белгилаш.

Муаллифнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, муаллиф томонидан келтирилган мазкур вазифаларни УЎТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларни лойиҳалаш ва моделлаштириш жараёнларида инобатга олинishi зарур.

Шундай экан, мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш моделини лойиҳалаштиришда талабаларнинг фаоллигини ҳамда ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини таъминлашга қаратилган вазифаларни ифодаловчи қуйидаги компонентлар киритилиши керак:

Мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш ва талабаларнинг фаоллигини таъминлаш йўналишида бажариладиган вазифалар билан фойдаланиладиган методлар ва турли ёндашув технологияларини мувофиқлаштириш; талабаларда ўқиш, ўрганиш, мустақил билиш фаолияти ва қасб-хунар ўрганишга майиллик ва қизиқишилар шакллантириш, дарсга ва қасб-хунар ўрганиш жараёнларига ижобий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш воситаларини танлаш; талабаларда янгиликларга майиллик ва қизиқишилар шакллантирувчи мотивларни аниқлаш; математика фанидан мустақил билим олиш кўникмасини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш омилларини аниқлаш; математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштиришга йўналтирилган вазифаларни олдиндан белгилаш; математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш йўналишида амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни аниқлаш.

Дарсдан ташкари машғулотлар жараёнларини илмий асосда ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш учун белгиланган мақсадларга эришишда талабаларнинг майиллиги, қизиқиши, эҳтиёжлари ва фаоллиги даражаси, имкониятлари, шахсий хислатлари, шунингдек, талабаларда мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришнинг мураккаб томонларини фаол ўрганиш асосида математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш моделини лойиҳалаштириш зарур ҳисобланади.

Математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш моделини лойиҳалаштиришда ўқиш ва ўрганишга, мустақил билиш фаолиятига талабаларда мойиллик, қизиқиши ва эҳтиёжлар шакллантиришнинг устуворлигини ва шахсга йўналтирилган таъсирни таъминловчи, шунингдек, талабалар ўзларининг таълим олиш ва касб-хунар ўрганиш йўналишларидағи функционал вазифаларини англаш, таҳлил қилиш асосида ўзини-ўзи шахсий ривожлантириш эҳтиёжларини фаоллаштириш учун имконият яратувчи таълимий муҳитни вужудга келтириш заруриятларини инобатга олиш зарур.

Математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштиришда яратилган шарт-шароитлар талабалар учун шахсий сифатларини мустақил ривожлантиришга имконият яратиши ўринда, уларни мустақил фаолият кўрсатишга ундовчи мотивлаштириш муҳити сифатида ҳам хизмат қилиши керак. Демак, мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш моделини лойиҳалаштиришда талабалар учун қўйидаги шарт-шароитларнинг яратилиши зарурияти инобатга олиниши муҳим:

Талабалар турли хил мустақил ўз-ўзини ривожлантириш фаолияти топшириқларини бажарадилар - имтиҳонлар, эсселар, даврий топшириқлар, битирув малакавий ишлари ва бошқалар. Барча иш турлари ўқитувчилардан маслаҳат ва назорат қилинади, лекин мазмуни, ишнинг моҳияти талабаларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади. Агар назарий материал талабанинг мустақил ўз-ўзини ривожлантириш билиш фаолияти билан аниқланса, талаба бу маълумотни ўзи орқали «олиб боради», у билим, талабанинг мулки бўллади ва узоқ вақт давомида унинг хотирасида қолади.

Математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш моделини белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлик бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизим сифатида лойиҳалаштириш мумкин.

Математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш биз таклиф этаётган моделнинг асосий компонентларидан бири бўлиб, мазкур жараённи такомиллаштиришда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнларининг натижавийлиги аниқланиб, илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ўқитиши воситалари, энг қулай ва самарали ҳисобланган методлар ва ёндашувларни амалиётда қўллаш ҳамда талабаларнинг таълим олиш ва мустақил ўрганишга мойиллиги, қизиқишилари, эҳтиёжлари ва имкониятларини баҳолашда белгиланган вазифаларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш жараёнида қайта алоқа таъминланиши зарур.

Талабалар ўзини кўпроқ мустақил ва ўзини ўзи бошқарувчи субъект сифатида ҳис этиши, эркин сўзлаши ва фаол иштирок этиши; ўз ўкув фаолиятини таҳлил қилиш ва янги маълумотларни ўзлаштириш жараёнларида улар етакчи ролни эгаллаши, ўзини ўзи ривожлантиришга интилиши; келгусида ўзи қизиққан касб-хунарни эгаллаши учун таълим-тарбия манбаси сифатида хизмат қиладиган ҳаётий тажрибаларни эгаллаши; таълим ва мустақил билиш фаолиятидаги мавжуд сунъий тўсиқларни бартараф этиши учун муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш йўналишида амалиётни ўрганиши; ўқиш, ўрганиш, мустақил билиш фаолияти учун юқори даражадаги тайёргарлик ва мотивацияга эга бўлиши; ўқиш, ўрганиш, мустақил билиш фаолиятининг келажақдаги амалий аҳамияти ва заруриятини англаб этиши; ўқиш, ўрганиш; ўқиш, ўрганиш, мустақил билиш фаолиятининг аҳамияти ва нуфузини тушуниб этиши; рефлексив кўникмалар шаклланишида керакли бўлган шахсий сифатларни шакллантириши ва ривожлантириши; ўз фаолияти натижалари ва имкониятлари даражасини объектив баҳолаши, математик тафаккурини ривожлантириш; дарсдан ташқари машғулотларга доимо ижобий муносабатда бўлишнинг аҳамияти ва заруриятини тушуниб этиши.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

- Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования игр, дискуссий. (Анализ зарубежного опыта). – Рига: Педцентр «Эксперимент», 1995. – 176 с.
- Колягин Ю.М. Методика преподавания математики. Общая методика. – М.: Просвещение, 1977. 456 с.
- Кудрявцев А.Д. и др. Сборник задач по математическому анализу. 1,2. – М.: Наука, 1984; 1986.
- Қодирий А. Маънавият юлдузлари. – Тошкент: 2001. – 180 б.
- Лебедева Е. Инновационное развитие и образование // Мировая экономика и международные отношения. – 2007. – №12. – С. 45-54.
- Мавлянов А., Абдалова С., Алламбергенова М. Ижтимоий-гуманитар фанлар мавзулари ўқув мақсадларини аниқлаштириш ва уларни топшириқларга айлантириш. Услубий тавсиянома. – Тошкент: 2013. – 100 б.
- Мавлянов А., Жавлонов Ш.С., Абдалова С., Юсупова Л. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. – Тошкент: 2010 . – 117 б.
- Мақсудов Ш. Аналитик функциялар назариясидан машқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –126 б.
- Медеуов Е.У. Методологические основы проектирования стандарта среднего математического образования РК: Автореферат дисс. ... док. пед. наук. –Алматы, 1997. – 38 с.

10. Мишин В.И. Лекции по методике преподавания математики. – М.: МГПИ, 1978. – 75 с.
11. Куденов, Т. М. (2023, July). РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ В ИНФОРМАЦИОННОЙ УЧЕБНОЙ СРЕДЕ. In Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies (Vol. 2, No. 8, pp. 7-11).
12. Makhsetbaevich, K. T. (2023, July). FUNCTIONS OF DEVELOPING INDEPENDENT LEARNING SKILLS IN AN INFORMED LEARNING ENVIRONMENT. In Proceedings of International Educators Conference (Vol. 2, No. 7, pp. 55-58).
13. Куденов, Т. М. (2023, July). СРЕДСТВА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ. In Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies (Vol. 2, No. 8, pp. 1-6).

**РЕЗЮМЕ.** Математика фанидан мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмасини такомиллаштириш биз таклиф этаётган моделнинг асосий компонентларидан бири бўлиб, мазкур жараённи такомиллаштиришда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнларининг натижавийлиги аниқланиб, илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ўқитиш воситалари, энг қулай ва самарали ҳисобланган методлар ва ёндашувларни амалиётда қўллаш ҳамда талабаларнинг таълим олиш ва мустақил ўрганишга мойиллиги, қизиқишлари, эҳтиёжлари ва имкониятларини баҳолашда белгиланган вазифаларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш жараёнида қайта алоқа таъминланиши зарур.

**РЕЗЮМЕ.** Совершенствование навыков саморазвития независимо от математики является одной из основных составляющих предлагаемой нами модели, и в совершенствовании этого процесса определяется эффективность процессов внеклассного обучения, использование передового педагогического опыта и современных средств обучения, наиболее удобных и в практике и обучении студентов используются эффективные методы и подходы, а также необходимо обеспечить обратную связь в процессе анализа и совершенствования поставленных задач при оценке склонностей, интересов, потребностей и возможностей к самостоятельному обучению.

**SUMMARY.** Improving self-development skills, regardless of mathematics, is one of the main components of the model we propose, and improving this process determines the effectiveness of extracurricular learning processes, the use of advanced pedagogical experience and modern teaching tools, the most convenient and effective methods and approaches are used in the practice and training of students, and It is also necessary to provide feedback in the process of analyzing and improving the assigned tasks when assessing aptitudes, interests, needs and opportunities for independent learning.